



## ШАХСИ АЙБДОРЛИГИНИ ИСБОТЛАШНИНГ САМАРАЛИ УСУЛЛАРИ

Файзуллаев Шавкат Файзуллаевич

Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси мустақил тадқиқотчиси

<https://www.doi.org/10.5281/zenodo.7982096>

### ARTICLE INFO

Received: 22<sup>th</sup> May 2023

Accepted: 28<sup>th</sup> May 2023

Online: 29<sup>th</sup> May 2023

### KEY WORDS

Инновацион технология, глобаллашув, уюшган жиноятчилик, жиноят-процесси, исботлаш, аудио ва видео ёзувлар, техник воситалар, видеоконференцалоқа, масофавий тергов ҳаракати, тергов ҳаракатини ўтказиш режими.

### ABSTRACT

Мазкур мақолада ишни судга қадар юритиш босиқида айбдорликни исботлашда самарадорликка эришиш йўллари, соҳага илғор инновацион технологияларни жалб этиш афзалликлари, илғор хорижий давлатларнинг тажрибадлари, соҳа мутахассисларининг фикрлари чуқур таҳлил этилиб, илмий асолантирилган хулосалар келтирилган.

Сўнгги йиллар ичида давлат ва жамият фаолиятининг турли соҳаларига инновацион технологиялар жадал жорий этилмоқда.

Глобаллашув ва уюшган жиноятчиликнинг ўсиши, алоҳида давлатлар ва умуман жаҳон ҳамжамиятининг хавфсизлиги ва барқарор ривожланишига тажовузлар, ноқонуний ҳаракатларни содир этишнинг мураккаб усулларининг пайдо бўлиши жиноят процессида исботлашнинг янги усуллари ва воситаларидан фойдаланишни талаб қилмоқда.

Телекоммуникация ва электротехника соҳасидаги замонавий технологияларнинг жадал ривожланиши айрим жиноятчилар томонидан кўплаб жинойий ҳаракатларни содир этиш, эвазига катта фойда олиш имконини бераётганлигини ҳаётнинг ўзи исботлаб бермоқда. Лекин баъзи ҳолларда уларни жинойий жавобгарликка тортиш учун етарли далилларни тўплаш имкони бўлмади. Шу сабабли замон билан ҳамнафас исботлаш жараёнига ҳам инновацион технологияларни жорий этиш заруриятини кўрсатмоқда.

Трансмиллий жиноятчиликка қарши курашиш амалиёти нафақат унга қарши кураш воситалари ва усулларини такомиллаштиришни, балки жиноят ишлари тергов қилиш бўйича янги процессуал механизмларини яратишни ҳам талаб қилмоқда.



Суриштирув, тергов ва суд амалиётининг таҳлили шуни кўрсатадики, ҳозирги вақтда жиноят ишларида исботлаш воситалари ва усуллари тизимида янги техник воситалар муваффақиятли қўлланилмоқда.

Сўнги йилларда ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари томонидан жиноят иши бўйича барча исботлаш ва далилларни объектив ва аниқ қайд этишга имкон берадиган аудио, видео ёзувлар ва бошқа техник воситалардан фойдаланишда катта тажриба тўпланган. Бугунги кунда жиноятларни тезкор ва қисқа муддатларда тергов қилиш ва жазо муқаррарлигини таъминлашда бир қанча инновацион технологиялардан фойдаланиб келинмоқда. Видеоконференцалоқа ҳам шулар жумласидандир.

**Видеоконференцалоқа** – далилларни тўплаш, текшириш ва баҳо бериш вақтида қўлланиладиган инновацион масофадан туриб амалга ошириладиган тергов ҳаракатини ўтказиш усули ҳисобланади.

Россия ва Европа мамлакатларида жиноят процессида видеоконференцалоқадан фойдаланиш тартиби анча олдин жорий этилган бўлиб, бугунги кунда самарали фойдаланиб келинмоқда.

Терговчилар, прокурорлар, судьялар ва адвокатларнинг муаллифлик сўровлари натижалари шуни кўрсатдики, барча респондентлар жиноятларни очиш ва тергов қилишда, шунингдек жиний ишларни кўриб чиқишда турли хил техник воситалардан фаол фойдаланадилар. Респондентлардан 88,3% судьялар, 29,4% юристлар, 10% прокурорлар ва 2,8% терговчилар жиноят ишларида видеоконференцалоқа қўлланилганини қайд этишган. Аммо тергов қилинадиган жиноят ишларининг аксар қисми терговчилар томонидан тергов қилиниб, суд жараёнига юборилади. Шу нуқтаи назардан терговчиларнинг томонидан 2,8% жиноят ишларида видеоконференцалоқа қўлланилганини кам кўрсатгич ҳисобланади.

Видеоконференцалоқадан фойдаланишнинг бир қанча афзалликлари мавжуд бўлиб, булар қаторига қуйидагиларни киритиш мумкин:

- жиноят тергов қилишда ва суд жараёнида жиноят процесси вақтини камайтириш
- барчамизга маълумки, видеоконференцалоқадан фойдаланиш жиноят процессида инқилобий аҳамият касб этди. Чунки Республикаимизнинг исталган манзилида яшовчи гувоҳ, жабрланувчи ва бошқа процесс иштирокчилари билан боғлиқ тергов ҳаракатларини олиб бориш мумкин;
- жиний ишларини юқори сифатли тергов қилиш – жиноят ишларида иштирок этувчи томонларнинг барча иштирокчиларини тўлиқ сўроқ қилиш, тақдим этилган далилларни ўрганиш имконини беради;
- Процесс иштирокчиларинг хавфсизлигини таъминлайди – жиноят процессида ўз қишмишидан пушаймон бўлган гумонланувчилар билан бирга жабрланувчига нисбатан адоват билан қаравчи жиноят содир этган шахслар ҳам кузатилади. Шундай вазиятларда юзлаштириш тергов ҳаракатлари вақтида масофавий тергов ҳаракатининг аҳамияти каттадир;
- бюджет маблағларини тежаши – бу афзаллик алоҳида аҳамият касб этиб, жиноят процессида исботлаш мажбурияти терговга қадар текширув органи мансабдор шахси, суриштирувчи, терговчининг зиммасига юклатилган. Мазкур тоифадаги шахслар эса давлат органларида ишлашади. Шу сабабли узоқ масофда яшовчи, келиш имкони



бўлмаган процесс иштирокчиларини масофадан туриб тергов қилиш имконини беради. Бу эса вақт ва ҳаражатни тежашга ёрдам беради.

Бир қатор давлатлар видеоконференсалоқадан фойдаланиш учун меъёрий асосларни белгилаган, шунингдек уни жиной иш юритиш соҳасида қўллаш бўйича катта тажриба тўплаган. (масалан, Австрия, Беларус, Буюк Британия, Германия, Ҳиндистон, Италия, Канада, Янги Зеландия, АҚШ, Украина, Швеция, Финляндия Эстония). Бу борадаги хорижий тажрибани ўрганиш видеоконференсалоқадан фойдаланишни сезиларли даражада кенгайтириш, процессуал ҳаракатларни ишлаб чиқаришда ўз салоҳиятини яққол намоён этиши шубҳасиз.

Бугунги кунда Ўзбекистон Республикасининг Жиноят процессуал қонунчилигида ҳам видеоконференсалоқадан фойдаланиш учун меъёрий асосларни келтирилган бўлиб, улар асосан тергов ҳаракатлари, биринчи инстанция суд жараёни ва апелляция, кассация тартибида ишни кўриш жараёнларида қўлланилади.

Аммо бугунги Ўзбекистон Республикаси Жиноят процессуал қонунчилигида видеоконференсалоқа тартиби жорий этилган бўлсада терговга қадар текширув, қамоқ билан боғлиқ эҳтиёт чораларини танлаш ҳамда халқаро ҳамкорлик борасида фаолиятини амалга оширишда видеоконференсалоқани қўллаш тартиби жорий этилмаган. Бу эса амалиётда бир қанча қийинчиликларни туғдиради.

Терговга қадар текширув вақтида ариза муаллифидан тушунтиришлар олиш, масофадан туриб экспертиза тайинлаш ва хулосасини олиш, қамоқ билан боғлиқ эҳтиёт чорасини ташлаш вақтида ортиқча овозагарчиликларни олдини олиш, шунингдек халқаро ҳамкорлик борасида ҳам видеоконференсалоқадан фойдаланишни бугунги замонни ўзи талаб этмоқда. Мисол учун, олис туманда яшовчи фуқаро пойтахтга бориб иш ҳақини олаолмаганлиги сабабли доимий яшаш жойи бўлган олис туманига келиб ваколатли орган ходимларига мурожаат қилишди. Иштирокчиларнинг катта қисми пойтахтда бўлганлиги, видеоконференсалоқадан фойдаланиш тартиби эса терговга қадар текширув ҳаракатларига тадбиқ этилиши кўрсатилмаганлиги муайян тўсиқларни келтириб чиқаради.

Терговга қадар текширув вақтида видеоконференсалоқадан фойдаланиш бир қатор афзалликларга эга бўлиб, терговга қадар текширув вақтида ҳозир бўлишининг имкони бўлмаган иштирокчилар билан боғлиқ бўлган ҳаракатларни амалга ошириш имконини беради.

Эҳтиёт чораси сифатида қамоқ билан боғлиқ бўлган чораларни танлаш вақтида ҳам видеоконференсалоқадан фойдаланиш жуда катта ижобий натижа беришини чет эл тажрибаси исботланган.

Ҳиндистоннинг кўплаб Штатларидаги пенитенциар муассасаларда видеоконференсалоқадан тизимли фойдаланилади. Мисол учун 2022 йилнинг июнь ойида Жиноят ишлари бўйича судига айнан эҳтиёт чораси сифатида қамоқ қўллаш учун олиб борилган айбланувчи Ж.нинг қочиб кетиши ҳолати кузатилди. Бундай ҳолатларни олдини олиш, жиноят содир этган шахсларни конвой қилиш вақтида қочиб кетишини олдини олиш, жазо муқаррарлиги принципини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикасида ҳам айнан қамоқ билан боғлиқ эҳтиёт чораларини қўллаш



вақтида видеоконференсалоқадан фойдаланиш учун ҳуқуқий асосларни яратиш лозим бўлади.

Бундан ташқари, видеоконференсалоқадан фойдаланиш тартибини халқаро ҳамкорлик борасида ҳам тадбиқ этиш мақсадга мувофиқ бўлади.

Амалиётда хорижий давлатда ушланган айбланувчи билан боғлиқ сўроқ, юзлаштириш, экспертиза ўтказиш ва бошқа ҳаракатларни амалга ошириш билан боғлиқ эҳтиёжлар вужудга келади. Мазкур ҳаракатларни амалга ошириш учун ҳам айнан халқаро ҳамкорлик масаласида ҳам видеоконференсалоқадан фойдаланиш тартибини белгилаш лозим бўлади.

Хулоса ўрнида шуни таъкидлаш лозимки, замон шиддат билан ривожланиб бомоқда. Шунга мос равишда жиноятлар ҳам содир этилиш усуллари ўзгармоқда. Бундан келиб чиқиб, жиноятчиларни айбини исботлаш жараёнлари ҳам замон талабларига мос равишда такомиллашиб бориши зарур бўлади.

### References:

1. Шувалов Н.В - Экспертно-криминалистическое обеспечение правоохранительной деятельности: Юридическая наука и правоохранительная практика 4 (42) 2017 г. ст 176
2. Архипова Екатерина Александровна - Применение видеоконференцсвязи в уголовном судопроизводстве россии и зарубежных стран (сравнительно-правовое исследование): Автореферат диссертации на соискание ученой степени кандидата юридических наук. Москва – 2013 ст 3.
3. Ўзбекистон Республикасининг жиноят - процессуал кодекси – 1994 й
4. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси– 1992 й
5. Иш юзасидан ўрганилган жиноят ишлари.
6. Денов туман прокуратурасининг маълумотномаси.